

ISSN:2181-1458

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTNOMASI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**



namdu.uz ilmiy@inbox.uz

[Namdu_ilmiybolim](#)

ISSN:2181-0427

2022

6



УДК: 330.5

ТУРИЗМНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Анварова Зебохон Муссоевна

Ўқитувчи,

Бухоро давлат университети

Аннотация: Кинжалар ер юзининг бир-бираига ўхшаш бўлмаган жойларини кўришилари, сайджълар бўши пайтларида табиат қўйнида дам олиш, овчиллик қилиш, спорт ва бошқа машғулотлар билан шуғулланишини исташни, ҳамда ўз соглигини тиклайтилари. Шунинг учун хорижий давлатлардаги кўплаб туристик фирма ва компаниялар кенгроқ бу омиллардан фойдаланишига харакат қилишилари, экотуризмдан тушган даромад, Ўзбекистон туризмини иқтисадиётнинг асосий тармоғи сифатида юксалтириши учун мавжуд табиий ва ижтимоий туристик объектларнинг минтақалардаги имкониятларини илмий тадқиқ этиши зарурлиги баён этилган.

Калип сўзлар: туризм, экология, экотуризм, туристик ресурслар, Зарафшон дарёси, Оролбўйи худудлари.

Аннотация: Люди многих стран мира хотят увидеть разные уголки планеты, хотят провести свободное время на природе, заняться охотой, спортом и другими мероприятиями, хотят поправить и восстановить свое здоровье. В данной статье описывается необходимость более широкого использования многими зарубежными туристическими фирмами этих факторов, необходимыми для изучения потенциала существующих объектов природного и социального туризма в регионе для увеличения доходов от экотуризма, туризма в Узбекистане как ключевой отрасли экономики.

Ключевые слова: туризм, экология, экотуризм, туристские ресурсы, река Зеравшан, Приаралье.

Abstract: People from many countries of the world want to see different parts of the planet, they want to spend their free time in nature, go hunting, sports and other activities, they want to improve and restore their health. This article describes the need for a wider use by many foreign travel companies of these factors necessary to explore the potential of existing natural and social tourism facilities in the region to increase income from ecotourism, tourism in Uzbekistan as a key sector of the economy.

Keywords: tourism, ecology, ecotourism, tourist resources, Zarafshan river, Aral Sea region.

Саёҳат инсон тафаккурини кенгайтиради, дунёни теран англашга хизмат килади. Кишилар ер юзининг бир-бираига ўхшаш бўлмаган жойларини кўришни хоҳлашади. Демак бирор ҳудуд ёки минтақага саёҳатга чиқишида табиий шароит катта аҳамиятга эгадир. Аксарият сайджълар бўши пайтларида табиат қўйнида дам олиш, овчиллик қилиш, спорт ва бошқа машғулотлар билан шуғулланишини исташади ҳамда ўз соғлигини тиклайдилар. Шунинг учун хорижий давлатлардаги кўплаб туристик фирма ва компаниялар кенгроқ бу омиллардан фойдаланишга харакат қиласидилар. Бу ўринда Жанубий-шарқий Осиё, Африка, Марказий ва Жанубий Америка, Австралия ва Океания давлатлари туристик фирмалари ўз харидорлари бўлган Европа ра Шимолий Америка мамлакатлари сайджъларини кўпроқ табиати гўзал ҳамда экзотик жойларини кўрсатишга катта эътибор қаратади.



Денгиз бўйи, ўрмон, тоғ ва тоғолди районларида давлатлар, Ўрта дениз ҳавзасида жойлашган ҳамда Малайзия, Индонезия, Сингапур ва бошқа шунга ўхшаш соҳили мамлакатлари сайёхларни кенг жалб қиласи. Бу ўз навбатида, табиий туристик имкониятнинг юқорилигидан далолат беради. Шунингдек бу давлатларнинг тоғ табиати, ландшафти, рельефи, иқлими, тоғ спорти ва бошқа хусусиятлари билан сайёхларни кизиктиради. Булардан тоғ, туризми Европанинг Альпидা, Осиёнинг Ҳимолойида, Африканинг Атлас тоғларида, Американинг Кордильерасида кенг ривожланган.

Туризмни иқтисодий географик жиҳатдан баҳолашда ахоли ва унинг хўжалик фаолиятининг ўсиши табиатга, табиий мухитга салбий таъсири ўрганилса, табиий географияда эса атроф-мухит, табиий компонентлар ва ландшафтларнинг антропоген омили таъсирида ўзгариши билан боғлиқ муаммолари таҳлил этилади. Ушбу масалалар билан туризмнинг нисбатан янги йўналиши бўлган экологик туризм ёки экотуризм шуғулланади.

1997 йил Бразилияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон конгрессида қайд этилган маълумотга кўра, дунё бўйича жами саёҳатта чиққанларнинг 12 фоизи экотуризмда яъни, «яшил» саёҳатта чиқишиган. Ғарб олимларининг баҳолашича, 1993 йил экотуризмдан тушган даромад 30 млрд. АҚШ долларини ҳалқаро туризмдаги жами даромаднинг 10 фоизни ташкил этган. Саёҳатнинг бу тури асосан АҚШ, Канада, Австралия, Непал, Эквадор, Бразилия, Филиппин, Кения, ЖАР давлатларида тез ривожланмоқда.

Дунё миқёсида туризмнинг энг янги йўналишларидан бири экотуризм -нинг асосий мақсади туристик маршурутларни ҳудудий ташкил этишда атроф мухитни, табиий мувозанатини саклаб қолишга эътиборни кучайтиришидир. Шу нуқтаи назардан экологик туризм умумий экологик муаммоларни ечиш билан уйгунашшиб кетади. Масалан туризм ландшафтлар жотизимида туристик салоҳиятидан уларга зарар кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш жиҳдий аҳамият касб этади. Бу эса 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТ нинг атроф мухитни муҳофаза қилишга бағишлиланган конференциясида қабули қилган «барқарор ривожланиш» тамоилига мос келади.

Туристик саёҳатларга чиқишидан мақсад саёҳат пайтида янги жойларни кўриш, табиат гўзалигидан, тоза тоғ ёки ўрмон ҳавосидан баҳра олиш, «ёввойи» табиат бағрида дам олиш, Шунингдек ўзга ҳалқ урф-одати, маданияти, санъати, тарихий обидаларини кўришдан иборатдир. Бинобарин, экологик тоза ҳудуд ажойиб табиат ва бошқа рекреация ресурслари экотуризмнинг мухим обьекти бўлиши билан бирга, айни вактда экологик танг ҳудудларни ҳам тадқиқ қилиш зарурлигини эслатиб туради. Экологик туризмнинг ўсишини шундан ҳам кўриш мумкинки, асосий ҳалқаро туристик маршрутлар гўзал экзотик табиати ва бетакрор туристик ресурслари кўп бўлган Австралия, Янги Зелландия, Жанубий Америка, Африка давлатларига, Гавай оралларига тўғи келмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, ҳалқаро туризм бозорида экотуризмнинг хиссаси ҳозирги вактда 2/5 га етди.

Республикамиз тарихий, археологик архитектура, санъат, мусиқа ва бошқа туристик имкониятларга ниҳоятда бой. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, тоғ ва текислиқ дарёлари, чўл ва воҳалари, кўл ва турли ландшафт зоналари асосий рекреация ресурсларидир. Уларни экотуризм нуқтаи назаридан ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Денгиз ва океанларда ниҳоятда катта туристик имкониятлар мавжуд. Кейинги пайтларда дунё океани бўйлаб ер шарининг турли қисмларига саёҳатта чикувчилар сони



тез ўсиб бормоқда. Чунки, денгиз, иклими, гўзалиги, табиати, хайвонот дунёси, оролларининг ўзига хос табиати билан танишиш кишига катта завқ бағишлайди. Ўрмон ҳам дам олувчи ва табиат қўйнига сайд кильувчи сайёхларни ўзига тортади. Ўрмон ўзининг кислородга бой захираси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан, Шунингдек соғлигини тикловчи ва сокинликни истовчи сайёхлар учун муҳим туристик объект бўлиб хисобланади. Шу боис, ботаника боғлари, тури оромгоҳлар, мислий боғлар сайёхларнинг энг гавжум жойларииди.

Дарё ва кўллар ҳам ўзига хос ландшафт, микроиклим хусусиятлари кишиларнинг асосан мавсумий дам олиши, балиқ тутиши, сув спорти, чўмилиш жойлари (плажлар) ва ҳоказолар сайёхларни қисқа вақт давомида мароқли дам олишини таъминлайди. Шунинг учун ҳозирги пайтда кўплаб дам олиш уйлари ушбу туристик объектларда курилган. Дунё туризм яхши ривожланган Италия, Швейцария, Испания каби мамлакатларда маҳаллий ва чет эллик сайёхлар учун туристик фирмалар томонидан ҳар хил маршрутлар асосида экскурсиялар кўпроқ дарё ва кўлларга уюштирилади. Бунда дарё ва кўлларнинг экологик жиҳатдан тозалигини саклаб колиш назарда тутмоқда.

Республикамизда ҳам қатор, катта ва кичик дарё ва кўллар, сув омборлари мавжуд бўлиб, уларнинг туристик салоҳияти ҳозирча унча кўнгилдагидек эмас. Бинобарин, бундай гидрологик объектларидан самарали фойдаланиш учун аввало кенг кўламли географик ва картографик тадқиқотлар ўтказиши, шунингдек сайёхлик билан шуғулланадиган фирма ва компаниялар қизиқишини ошириш лозим. Масалан, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги кўл ва боғлар ниҳоятда туризм учун кулагай. Аммо, шаҳарни кесиб ўтган Зарафшон дарёси қирғоқларига фақатгина тартибсиз мавсумий, маҳаллий сайёхлар келиб кетади, холос. Ваҳоланки, шаҳарнинг қулагай туристик имконияти ва демографик сифимини хисобга олиб, Зарафшон дарёси соҳилида, Самарқанд денизи (Хишрав сув омбори) ва бошқаларда туристик хизматни йўлга куйиш мақсадга мувоғиқ бўлар эди.

Орол денизи ва Оролбуйи ҳудудлари экологик тант зона бўлиб хисобланади. Бу ҳудудга бевосита таништирув аҳамиятига эга бўлган экотуристик саёҳатлар уюштириш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек ўлқамизда қатор балиқли-кўллар мавжуд бўлиб, улар Бахмал, Нурота, Янгиқўрон ва бошқа туманларда жойлашган. Албатта, бундай объектларни ҳам маҳаллий ва халқаро туризм дастурларига киритиш лозим.

Бутунги кунда вилоятлар доирасидаги туристик имкониятларни аниқлаш ва туризмнинг ўзига хос турларини ташкил этиш учун қўпгина муаммоларга аниқлик киритиш мухимдир.

Ўзбекистон туризмини иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатида юксалтириш учун мавжуд табиий ва ижтимоий туристик объектларнинг минтақалардаги имкониятларини илмий тадқиқ этиш зарур. Вилоятлардаги тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, диний қадамжолар, зиёратгоҳлар ҳамда рекреация ресурслари, дам олиш, соғломлаштириш масканлари, экотуристик объектларни илмий жиҳатдан тўлиқ таҳдил қилиш лозим. Чунки, илмий таҳдил ва асосланган режалар тўғридан-тўғри шу тармокнинг истиқболини белгилайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, туризмни ривожлантиришда унинг экологик томонларини географик жиҳатдан илмий ўрганиш келажакда катта аҳамият касб этади. Бунинг учун туристик объект ва рекреация, табиий зоналар ва ландшафтлар ҳолатидан самарали фойдаланишда уларнинг экологик хусусиятларига эътиборни



каратиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси
2. Anvarova, Z. M., & Mirzoyeva, I. E. (2021). ECOLOGICAL TOURISM IN UZBEKISTAN. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(11), 48-52.
3. The factors that influence begetting desertification process. Anvarova Zebo Mussoyevna, Shodiyeva Nigora South Asian journal of marketing and management research Vol. 10, Issue 11, November 2020
4. Some theoretical issues of social geographical research, Anvarova Zebo Mussoyevna, Shodiyeva Nigora ASIA LIFE SCIENCES 1(1):1-10,2020
5. Thematics Journal of Geography ISSN – 2277-2995 Vol-6-Issue-1- 2021 GEOGRAPHICAL ASPECTS OF LAND RESOURCES AND EFFICIENT USE Mirzoeva Istat Elmurodovna, Anvarova Zebo Musaevna



145	Interfaol elektron ta'lif trenajyorlari va ta'lif texnologiyalarini modernizatsiyalash asoslari Qosimov S.H	741
146	Ingliz tilini o'qitishda noverbal muloqotning o'mni va ahamiyatি Qurbanova S.A	745
147	Масоғавий таълим воситасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришининг диверсификация мазмуни Сайдова М.Ж	750
148	Bola shaxsining ma'naviy jihatdan shakllanishida ijobiy va salbiy xususiyatlarning o'mni Sharipova N.R	756
149	O'zbekistonda golbol sport turini rivojlanish tizimi Sobirova L.B	759
150	Implementing games to teach speaking skill in efl classes Kuchkarova Y.D., Abduvaliyeva D.O.	763
151	Texnologiya bilan o'qitish Nematillayev A.G'	768
152	Tabiiy fanlarni o'qitishda o'quvchilarda kognitiv sifatlarni shakllantirish Toyirova M.M	772
153	Til o'zlashtirish jarayonini testlar orqali baholash Abdullayev Sh.Sh	777
154	Pedagogning innovatsion faoliyatini takomillashtirish Абдуллаева Н.М., Калдабекова А.С	780
155	Техника олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш технологиялари Алимов Н.Н., Абдурасурова Д.Ж	787
156	Туризмнинг географик хусусиятлари ва экологик жиҳатлари Анварова З.М	791
157	Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarida kompetentlik yondashuvini shakllantirish Нушаров Б.Б	794
158	Эффективные способы обучения английскому произношению Бобокулова Ш.Б	798
159	Bo'lajak biologiya o'qituvchilarning valeologik kompetentligini takomillashtirish zarurati Otajonova S.R.	802
160	Особенности креативной технологии в развитии творческих способностей студентов высшем образовании Онаркулов К.Э., Юсупова Ф.К., Якубова Ш.К	806
161	Психологические особенности педагогической деятельности, общения и личности преподавателя Игамбердиев Х.Х., Нарбеков Н.Н	810